

Meros

№ 2/2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ 80 ЁШДА

Ҳасаний М. Бугун бизда *(ЎзР Фанлар академияси ҳамда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 80 йиллигига бағишланади)* қўшалоқ байрам 3

Каримова С. Шарқшунослик институти 80 йиллик тарихидан ёрқин лавҳалар 7

МАНБАШУНОСЛИК

Азимов Х. Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)..... 74

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Якубов Қ. Хоразм солиқ тизимида вақф ерлари (XIX аср охири – XX аср бошлари) 83

Абдурасулов Х. Из истории караван-сараев Туркестанского генерал-губернаторства 95

Базарбаев А. Туркистонда мулк ва жамоа ерларининг ҳуқуқий ҳолати (XIX аср – XX аср бошлари) 106

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Жўраев Ж. “Туҳфаи Сомий”даги Темурий шаҳзодаларга оид маълумотлар 120
Турсунов Р. Фузулий ғазалига Ғозий татаббуъси: икки шоир – икки талқин 134
Эшонова С. Нодира туркий девонларининг ЎзРФА Шарқшунослик институти фондидаги қўлёзмалари матний қиёси 145

ИСЛОМШУНОСЛИК

Усмонов И. Ҳаким Термизийнинг фиқҳга оид қарашлари 159
Муҳаммадаминов С. XVII аср Марказий Осиё *жўнг* тўпламларида *уруш диёри* масаласи 173
Хуснутдинов Ф. Исламская литература для эмигрантов из Советской Средней Азии. «Книга о паломничестве» Саййида Махмуда Тарази (1895–1991) 188

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Каримова Н., Алимова Л. К истокам женского образования в Китае и Корее (конец XIX – начало XX вв.) 206

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2023 йил 27 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Баҳром Абдуҳалимов *(Бош муҳаррир)*
Сурайё Каримова *(Бош муҳаррир ўринбосари)*
Салимахон Эшонова *(Масъул котиб)*
Наталья Каримова *(Рус тили муҳаррири)*
Акрам Ҳабибуллаев *(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)*
Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин *(Германия)*
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек *(Туркия)*
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail*: beruni1@academy.uz*

22.12.2023 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:16-23. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилд и.

МАНБАШУНОСЛИК

Х. Азимов

Милоддан аввалги II – милодий XI аср Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар

Қадимги ва ўрта асрларда ёзилган хитой ёзма манбаларида Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ва Хитой сулолалари ўртасидаги иқтисодий алоқаларга доир маълумотлар талайгина. Афсуски, бизнинг давримизгача маҳаллий манбалар етиб келмаганлиги боис, икки минтақа алоқаларига оид маълумотларни хитой манбалари орқали билиб олишимиз мумкин. Мазкур мавзуга оид маълумотлар мил.ав. биринчи минг йилликнинг бошларидан то милодий XI асрга қадар ёзилган бирламчи хитой манбалари “Му-Тянзи чжуан” (“Тангри фарзанди Му ҳақида баён”) сафарномаси, “24 Тарих” (“Эрши сиши”)нинг жилдлари “Шижи” (“Тарихий хотиралар”), “Ханшу” (“Хан [сулоласи] тарихи”), “Хоу Ханшу” (“Кейинги Хан [сулоласи] тарихи”), “Сангуо чжи” (“Уч хонлик хотираси”), “Жиншу” (“Жин [сулоласи] тарихи”), “Вейшу” (“Вей [сулоласи] тарихи”), “Бейши” (“Шимолий [сулолалар] тарихи”), “Вейшу” (“Вей [сулоласи] тарихи”), “Суйшу” (“Суй [сулоласи] тарихи”), “Жю Тангшу” (“Танг сулоласининг аввалги тарихи”) ва “Шин Тангшу” (“Танг сулоласининг янги тарихи”)ларидаги икки минтақа савдо алоқаларига оид баъзи маълумотлар илмий таржима қилинди. Қолаверса, мавзунинг айрим қирралари А. Ходжаев, Н. Каримова, Мо Женнан, Недҳам Жосеф, Ванг Жилай томонидан ўрганилган. Уларнинг тадқиқотларидаги маълумотлар билан таққослаб, таҳлилий тадқиқ қилинди.

Қадимги Марказий Осиё минтақаси ва Хитой сулолалари ўртасида иқтисодий алоқалар бир неча минг йиллар давомида Буюк ипак йўли орқали мавжуд бўлган. Бу ҳақда маълумотлар археологик топилмалардан ташқари, хитой ёзма манбаларида ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунимизга қадар сақланиб қолган. Дастлаб ёзма манбалар ичида муаллифи номаълум бўлган “Му-Тянзи чжуан” (穆天子传– “Тангри фарзанди Му хақида баён” номли сафарномада Марказий Осиё билан қадимги Хитой ўртасидаги савдо алоқалари мил. ав. биринчи минг йилликнинг бошида ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор [8: 40–61]. Мазкур асарнинг 1–4-боблари Чжоу[1] (мил.ав. 1122 / 1046–256 йй.) сулоласи бешинчи ҳукмдори Мунинг (Му-ванг мил.ав. 1001–947 йилларда ҳукмронлик қилган) ғарбий саёҳатига бағишланган. Мазкур асар дастлаб немис олимлари томонидан ўрганилиб, у мил.ав. 769 йилда ёзилганлиги тахмин қилинган. Кейинчалик қадимги Хитойда қарйиб 400 йил яъни мил.ав. 206 – мил. 220 йиллар ҳукмронлик қилган Хан сулоласи[2] даврида Марказий Осиёнинг қадимги давлатлари Бақтрия, Парфия, Қанғ, Да-Юечжи (хитойча ўқилиши Дай юечжи), Кушон империяси, Буюк Фарғона (Паркана), Усун (қадимги ўқилиши Асуэн 烏孙), Ҳунлар империяси билан савдо муносабатлари анча жадаллашган. Айни шу даврда ёзилган қадимги Хитойнинг умумлаштирилган сулолалари тарихи саналмиш “24 Тарих” (Эрши сиши 二十四史)нинг дастлабки жилдлари “Шижи” (Тарихий хотиралар) “Буюк Фарғона тазкираси” (Дайюан лечжуан 大宛列傳) 123-боб [6: 1136(1136)/1a/–1146(1146) /21б], “Ханшу” (Хан [сулоласи] тарихи) “Ғарбий мамлакатлар тазкираси” (Шиюй чжуан 西域傳) 96-боб [1: 2364 (1156)–2386 (1178)], “Хоу Ханшу” (Кейинги Хан [сулоласи]

[1] Чжоу (周) сулоласи қадим замонда *циеу (tçiəu)* деб ўқилган. Ўз даврида иккига яъни Ғарбий Чжоу (Ши Чжоу мил.ав. 1046–771) ва Шарқий Чжоу (Дунг Чжоу мил.ав. 770–256) давлатларига бўлинган. А.Ходжаевнинг ёзишича, аслида ушбу сулоланинг этник келиб чиқиши қадимга хитойларга (хан этносига) тааллуқли бўлмаган [8: 64].

[2] Хан сулоласи мил. ав. 206–мил. 220 йилларда ҳукмронлик қилган бўлиб иккига бўлинган Ғарбий Хан (Ши Хан - 西汉) мил. ав. 206 – мил. 25 йй. ва Шарқий Хан (Дунг Хан-东汉) мил. 25–220 йй. Манбаларда Олдинги Хан ва Кейинги Хан номлари билан ҳам учрайди.

тарихи), “Ёркенд давлати тазкираси” (Шаче-гуо 莎車国) 88-бобларида [7: 3826 (1316)/17б–3827 (1317)/20 б] Марказий Осиё давлатлари билан Хитойнинг Хан сулоласи ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Милодий 220 йилга келиб Хитой учта сулолага бўлиниб кетади. Кейинчалик ушбу бўлиниш жараёни давом этиб, сулолаларнинг сони бир неча ўнтага етади. Бу парчаланиш даври VI асргача давом этади. Гарчи, Хитойда беқарорлик даври бошланган бўлса ҳам, унинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо алоқалари давом этди. Хитойда ҳукмрон бўлган Вей (220–280), Жин (265–420), Нанбей (жанубий ва шимолий 420–589) сулолалар тарихига оид “Сангуо чжи” (Уч хонлик хотираси), “Жиншу” (Жин [сулоласи] тарихи), “Вейшу” (Вей [сулоласи] тарихи) ва “Бейши” (Шимолий [сулолалар] тарихи) манбаларида қадимги Фарғонадан юборилган савдо элчилар ҳақида бир қанча маълумотлар учрайди.

Вей сулоласи ҳукмдори Чен Люванг (Юан-ди 260–265) даври 265 йилда, Ғарбий Жин (265–317) сулоласи ҳукмдори У-ди (265–290) даври 270–285 йилларда, Хоу Чжао (后赵 Кейинги Чжао давлати 319–351) ҳукмдори Шиле (石勒 319–333 йилларда тахтга ўтирган) ҳукмронлиги даврида 331 йил, Чян Чин (前秦 Олдинги Чин давлати 350–394 йй.) учинчи ҳукмдори Фужян (357–385 йилларда тахтга ўтирган) даври 381 йил, Шимолий Вей (386–534) сулоласи учинчи ҳукмдори Тай У-ди (424–451) даври 437, 439, 449 ва 451 йилларда, ушбу сулоланинг бешинчи ҳукмдори Вен Ченг-ди (452–466) даври 465 йилда Фарғонадан Луоянг, Чанған ва Пингченг шаҳарларига элчилар келган. Улар ўзлари билан баданидан тер қондек оқадиган қимматбаҳо отлар, сопол сири (лак), маржон (денгиз тошлари), пахта[1] ва бошқа буюмлар олиб келиб Хитой саройга ҳадя этган [4: 70–74].

[1] Пахта ўсимлиги хитой тилидаги тарихий луғатларда “байдие 白叠, байдиези 白叠子, байда 白荅, бодие 帛叠, бочжа 钵吒” шаклларида келтирилади. Дастлаб Африкада етиштирилган. Мил. II асрда ҳозирги Шинжянг ҳудудларига кириб келади. Жанубий ва шимолий сулолалар давридан бошлаб пахта ўсимлигини экиш оммалашади [11: 58–59].

III–VI асрлар Хитойнинг Шимолий Вей[1] сулоласи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо алоқалари бўлиб турди. Икки минтақа ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар натижасида Хитойда марказий осиёлик савдогарларнинг бозорлари “хуши” (胡市) пайдо бўлган. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо муносабатларининг асосини ипак ташкил қилган. Шу боисдан ипак махсулотларини Европага экспорт қилиш асосан Марказий Осиё худуди орқали амалга оширилган. Кушон империяси сўнгги даврида Шимолий Вей сулоласи билан савдо-сотиқ жадаллашган. Хусусан, улардан Хитой саройига кўпроқ ҳунармандчилик буюмлари олиб борилган. Хитой манбаларида Кушон империяси (Дай юечжи гуо 大月氏國) давлати номи билан тилга олиниб, ҳатто у ердан ҳунармандлар Хитой саройида хизмат қилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Жумладан, “Вейшу” (魏書/魏书”Вей [сулоласи] тарихи”) 102-боб, Ғарбий мамлакатлар тазкираси, Дай юечжи гуо (大月氏國)да “... [Вей ҳукмдори] Ши-зу даврида (408–452 йй.), мазкур давлат савдогарларининг қадами [Вей сулоласининг] пойтахтигача етган.

[1] Шимолий Вей (Бей-Вей 北魏) давлати 386–534 йилларда мавжуд бўлган. Ўша пайтда унинг пойтахти Дай (代) бўлган. Дай–Шимолий Вей хонлигининг дастлабки номи ҳисобланади, лекин ушбу атама аслида ҳоз. ХХРнинг Шанши (山西) ўлкасидаги бир вилоят номи бўлган. Давлат ташкил топган йилнинг ўзидаёқ унинг номи Вейга ўзгартирилган. Бу ўзгариш 398 йилда хонлик пойтахти Пингченг (Пингченг–ҳоз. Ички Мўғулистондаги Датунг) шаҳри унинг пойтахти қилиб белгиланган. Ҳозир ушбу шаҳар ХХРнинг Шанши (Шанси) ўлкасида жойлашган. Шундан кейин хонликнинг номи Вей сўзига ўзгартирилди. Ундан олдин, аниқроғи мил. ав. 475–221 ва мил. 220–280 йилларда ушбу сўз билан аталган хонликлар мавжуд эди. Шуни ҳисобга олиб шянбилар томонидан ташкил етилган охирги Вей давлати Шимолий Вей (Бей-Вей) деб номланган. Ушбу хонликнинг мавжуд бўлган даври 386–534 йилларга тўғри келади. Шу давр ичида 14 та ҳукмдор тахтда ўтирган. Н.Я. Бичурин таржимасида “дай” сўзи таржима қилинмасдан топоним сифтида ишлатилган. Натижада ушбу таржимадан фойдаланувчилар учун «Дай» сўзини билиб олиш қийин бўлиб қолган. Вей иероглифининг луғавий маъноси, қобилият, катта, баланд ва йирик демакдир. У кўпроқ ҳозирги ХХРнинг Хебей ўлкасидаги вилоят номи сифатида ишлатилган. Хитойда Вей иероглифи фамилия сифатида ҳам кенг тарқалган [10: 58].

Улар тош эритиб рангли ойна шиша ясаймиз, деган. Шунинг билан тоғда руда қазиб келиб, Шимолий Вей пойтахтига олиб келган, ясалган ойна-шишани ғарбдан олиб келгандан ҳам чиройли ялтираган экан. Ҳукмдор ёрлиқ тушуриб, вақтинча сарой қурди. Ушбу сарой тиниқ ва ялтираб турганлиги учун кўрганлар ҳайратта қолган. Кўрганларнинг ҳаммаси буни илоҳлар қилган, деб билди. Шундан эътиборан Хитойда (Чжунггуо) ойна ва шиша буюмлар арзонлашиб кетган бўлиб, кишилар уларни қадрламайдиган бўлган" [3: 2275]. Сўнгги пайтда европалик олимлар тадқиқотларида "шиша" деган сўзнинг этимологияси хитой тилига ўзлашган, деган хулоса келишган. Жумладан, инглиз олими Ж. Недҳам фикрича, шиша маҳсулот сифатида Хитойга чет элдан кирган ва ушбу сўз хитой тилига "буоли" (боли 玻璃) шаклида мўғул ва марказий осиёликлар тили (болор, билур)дан ўзлашган, кейинроқ Танг (618–907) сулоласи даврида Хитой жамиятида оммалашганини таъкидлайди [12: 106]. Дарҳақиқат, хитой тилидаги ушбу сўз ўзбек тилидаги "биллур"ни эслатади. Агар Ж. Недҳамнинг фикрларини "Вейшу"даги фактологик маълумотлар билан солиштирилганда, ҳақиқатдан ҳам даврий жиҳатдан яқинлиги ва асосларни кўриш мумкин. Кушон империяси даврда Марказий Осиёдаги энг йирик бозорлардан бири Фарғона водийси ва Помир тоғи атрофида жойлашган. У ерда Буюк ипак йўли бўйлаб ғарбда Ўрта ер денгизидан, шарқда Хитойдан келган барча савдогарлар савдо маҳсулотларини айирбошлаганлар [2: 169]. Суй (581–618) ва Танг сулоласи даврида Марказий Осиё давлатлари билан Ипак йўли бўйлаб ипак мато, от, чой, чинни идишлар, доривор ва тақинчоқлар савдоси анча жадаллашди. Бу пайтда Фарғона отлари ҳамон Хитойда юксак баҳоланар эди. VII–VIII асрларда Хитойга келган ҳар бир отга 40–50 бўлак (бир бўлак 13.3 метр) ипак мато алмаштириб олиш мумкин эди [9: 182]. Хитойга сотиш мақсадида олиб борилган отлар бир неча мингтани ташкил этган. Бундан ташқари, айни шу даврларда чой экспорт қилиш Хитойнинг асосий маҳсулотига айланган эди. "Шин Тангшу" (Танг сулоласининг янги тарихи)да "ўша даврда Хитойда чой баргидан дамлама тайёрлаб ичиш одати кенг тарқалган бўлиб, маҳаллий аҳолининг кундалик озуқавий ҳаётига айланган" [5: 4583–4596, 5594–5612]. VII–X асрлар Танг сулоласининг пойтахти

Чангъанда марказий осиёлик савдогарлар томонидан очилган чой дўконлари пайдо бўлган.

Хулоса ўрнида бизнинг давримизгача етиб келган хитой ёзма манбаларида Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо йўллари, икки минтақа ўртасида савдо сотиқ муносабатлари олиб борилганлиги ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин. Мазкур маълумотлар батафсил ёритилган. Жумладан, қадимги ва илк ўрта асрларда қадимги Фарғонадан баданидан тер қондек оқадиган қимматбаҳо отлар, сопол сири (лак), маржон (денгиз тошлари), пахта ва бошқа буюмлар, ҳунармандчилик буюмлари, шиша ва уни тайёрлаш техникаси, беда ўсимлиги, узум, ток новдаси, анор, зира ўсимлиги, от, қорамол ва бошқа чорва ҳайвонлари, қимматбаҳо тош, ложувард, айниқса, кушонликларнинг жундан тўқилган зич ва қалин матолар Хитой бозорларига олиб борилганлигига оид маълумотлар Ўзбекистон тарихини бойитишга хизмат қилади. Қолаверса, Суй ва Танг сулоласининг Ипак йўлида олиб борган ипак мато, от, чой, чинни идишлар, доривор ва тақинчоқлар савдосида марказий осиёлик-ларнинг ўрни беқиёслигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бан Гу. Ханшу (班固.漢書/汉书–Хан [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 2-жилд. Пекин-Шангхай, 1956–1958.
2. Ванг Жилай. Чжунгя тунгши гудайжюан шанг (王治来.中亚通史–Марказий Осиёнинг умумий тарихи, 4/1 жилд). Урумчи, 2004.
3. Вэй Шоу. Вэйшу. (魏收.魏書–Вэй [сулоласи] тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 10-жилд. Пекин, 1974.
4. Мо Женнан. Вейжин нанбейчао шичиде чжунгши жяотунг (莫任南.魏晋南北朝时期的中西交通 – Вей, Жин, Жанубий ва Шимолий сулолалар даврида Хитой ва ғарб алоқалари) // Хунан педагогика университети жамият ва фан №4. Хунан, 1989. Б. 70–74.
5. Оу Янгшю, Сунг Чи. Шин Тангшу (新唐書 – Танг [сулоласи]нинг янги тарихи) // Эршиси ши (24 тарих). 17-жилд. Шангхай, 1975.

6. Сима Чян. Шижи (司马迁.史記/史记 – Тарихий хотиралар) // Эршиси ши (24 тарих). 1-жилд. Пекин -Шангхай, 1956–1958.
7. Фан Е. Хоу Ханшу (范晔.後漢書/后汉书 – Кейинги Хан [сулоласи] тарихи) // 3-жилд. Шангхай, 1956–1958.
8. Ходжаев А., Каримова Н. Сведения китайских источников по истории государственности Центральной Азии (переводы и исследования). Ташкент, 2018.
9. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007.
10. Хўжаев А., Айтбаев А., Қўлдашев Ш., Джуманиёзова Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. Тошкент, 2016.
11. Чжунггуо лиши дацидян шанг (中国历史大辞典 –Хитой тарихининг катта луғати, 3/1 жилд). Шангхай, 2007.
12. Needham Joseph. Science and civilisation in China (Volume 4, Physics and Physical technology, Part I: Physics). Cambridge, 1962.

Х. Азимов

Хитой манбаларида Марказий Осиё ва Хитой савдо алоқаларига оид маълумотлар (милоддан аввалги II – милодий XI асрлар)

Мақолада Марказий Осиё минтақаси ва қадимги Хитой сулолалари ўртасидаги савдо алоқаларига оид маълумотлар мил.ав. биринчи мингйилликнинг бошларидан то милодий XI асрга қадар ёзилган хитой ёзма манбалари асосида келтирилган. Бу борада манбалар илмий таҳлил қилинган. Марказий Осиёнинг қадимги давлатлари Бақтрия, Парфия, Қанғ, Да-Юечжи, Кушон империяси, Буюк Фарғона (Дай-юан), Усун, Ҳунлар империяси билан Хитойнинг Хан, Вей, Кейинги Чжао сулоласи, Шимолий Вей сулолалари, Суй ва Тан сулолалари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кенгроқ ёритилган. Икки минтақа савдо алоқаларининг ўзига хос хусусияти ички бозорларда узаро савдо буюмлар оммалашганлиги билан ажралиб турган. Ҳатто Хитой бозорларида марказий осиёликларнинг алоҳида бозорлари пайдо бўлган. Марказий Осиёдан олиб борилган шиша савдо буюми сифатида нафақат хитойликларнинг ижтимоий ҳаётида, балки маданий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнаган.

Калит сўзлар: *Маркзий Осиё, Хитой, савдо алоқалари, хитой манбалари, Бақтрия, Парфия, Қанғ, Да-Юечжи, Кушон империяси, Фарғона, Усун, Ҳунлар империяси, Хан, Вей, Кейинги Чжао сулоласи, шимолий Вей, Суй, Танг.*

Х. Азимов

Сведения о торговых связях Центральной Азии и Китая в китайских источниках (II в. до.н.э. – XI в. н.э.)

В статье представлены сведения о торговых отношениях между центральноазиатским регионом и древнекитайскими династиями на основе китайских письменных источников, написанных с начала I тысячелетия до н.э. XI века н.э. В связи с этим источники были подвергнуты научному анализу. Экономические отношения между древними государствами Центральной Азии, Бактрией, Парфией, Кангюй, Да-Юэцзи, Кушанской империей, Великой Ферганой (Дэй-юань), Усунь, Империей Хуннов и китайской династией Хань, Вэй, поздней Чжао, династиями Северной Вэй, Суй и Тан были широко освещены. Особенностью торговых отношений между двумя регионами является популярность товаров взаимной торговли на внутренних рынках. Даже на рынках Китая появились отдельные рынки стран Центральной Азии. Стекло как торговый предмет, импортируемый из Центральной Азии, он играл важную роль не только в общественной жизни китайцев, но и в их культурной жизни.

Ключевые слова: *Центральная Азия, Китай, торговые отношения, китайские источники, Бактрия, Парфия, Кангюй, Да-Юэцзи, Кушанская империя, Фергана, Усунь, Империей Хуннов, династия Хань, Вэй, поздней Чжао, Северной Вэй, Суй, Тань.*

Kh. Azimov

Information on the trade relations of Central Asia and China in Chinese sources (of the 2nd century bce–11th century ce)

The article presents information about trade relations between the Central Asian region and ancient Chinese dynasties based on Chinese

written sources written between the beginning of the 1st millennium BCE and 11th century CE. In this regard, the sources were subjected to scientific analysis. The economic relations between the ancient states of Central Asia, Bactria, Parthia, Kangyu, Da-Yueji, Kushan Empire, Great Fergana (Dei-yuan), Wusun, Hun Empire and the Chinese Han, Wei, late Zhao, Northern Wei dynasties, Sui and Tang dynasties were widely covered. A special feature of the trade relations between the two regions is the popularity of mutual trade items in the domestic markets. Even in Chinese markets, separate markets of Central Asians have appeared. Glass as a trade item brought from Central Asia, played an important role not only in the social life of the Chinese, but also in their cultural life.

Key words: *Central Asia, China, trade relations, chinese sources, Bactria, Parthia, Kangyu, Da Yueji, Kushan Empire, Ferghana, Usun, Hun Empire, Han, Wei, Later Zhao Dynasty, Northern Wei, Suy, Tang.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути катта илмий ходими.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути кичик илмий ходими.
3. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
5. **Жўраев Жалолиддин Олимжонович –** филология фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик интитути директори ўринбосари.
8. **Маҳмуд Ҳасаний –** тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими.

9. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
10. **Турсунов Рустам Миршоҳидович –** мустақил тадқиқотчи, Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими.
11. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ мумтоз адабиёти бўлими мудири.
14. **Якубов Қахрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Наши авторы

1. **Азимов Хуршид Хакимович –** доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдурасулов Хушнуд Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – Младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Базарбаев Акмал Муратович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Джураев Джалолиддин Алимджанович** – доктор филологических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Махмуд Хасани –** доктор исторических наук, ведущий научный сотрудник Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан.

9. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, страший научный сотрудник Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Турсунов Рустам Миршахидович –** независимый исследователь, ответственный сотрудник Министерства экологии, охраны окружающей среды и изменения климата Республики Узбекистан.
11. **Усманов Ибрахим Сабирович** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Института вотоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Хуснутдинов Филипп Романович –** младший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующий отделом Классической восточной литературы Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
14. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философии (PhD) по историческим наукам, старший научный сотрудник Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Akmal M. Bazarbaev** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Djaloliddin A. Djuraev** – Doctor of Philology, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
3. **Filipp R. Khusnutdinov –** Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Ibrahim S. Usmanov –** PhD in History, Associate Professor, doctoral student at the Institute of Current Studies named after Abu Raikhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Khurshid Kh. Azimov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Khushnud A. Abdurasulov** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
7. **Laziza A. Alimova** – Junior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Mahmud Hasaniy** – Doctor of History, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Natalya E. Karimova** – Doctor of History, Professor, Leading Research fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

10. **Qahramon K. Yakubov** – PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Rustam M. Tursunov –** Independent Researcher, Responsible Employee of the Ministry of Ecology, Environmental Protection and Climate Change of the Republic of Uzbekistan.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** PhD in History, Senior Researcher fellow at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
13. **Salimakhon N. Eshonova** – PhD in Philology, Senior Research Fellow, Head of the Department of the Classical Literature of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
14. **Surayyo U. Karimova –** Doctor of History, Professor, Deputy Director of the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.